Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№41 (390)
2020 йил 2 июнь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СЎЗЛАШДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари куни кеча «Чашма» чегараолди ҳудудида рўй берган ҳодиса билан боғлиқ масалаларни батафсил кўриб чиқиб, бундай вазият бошқа такрорланмаслиги учун мукаммал чоралар қабул қилиш муҳим эканини таъкидладилар. Ҳукумат делегациялари ўтказган музокараларнинг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Икки томонлама муносабатларга оид мавжуд масалаларни тартибга солиш ҳамда амалий ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-коммуникация соҳаларида янги ўсиш нуқталарини аниқлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш юзасидан келишиб олинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Қирғизистон Ҳукуматлараро қўшма комиссияси ҳамда Чегарадош вилоятлар маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисларини ўтказиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Суҳбат чоғида коронавирус пандемияси тарқалишининг оқибатларига қарши кураш бўйича яқиндан ҳамкорликни ва идоралараро алмашинувларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлашда қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎзА.

## СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни миллий статистика соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Статистика тизими қанчалик ҳаққоний ва очиқ бўлса, ислоҳотлар шунчалик тўғри ва натижадор бўлади. Шу мақсадда сўнгги уч йилда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, инфляцияни ҳисоблаш усули халқаро стандартларга мослаштирилди, кузатувдаги товарлар таркиби кенгайтирилди. Давлат бюджети, ташқи қарз, олтин захираси ва табиий бойликлар ҳақидаги молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар очиқ эълон қилинмоқда.

Йиғилишда ҳудудлар ва тармоқлар статистикасини ўзаро мувофиқ шакллантириш, уларни ягона халқаро статистика тизими билан уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ишсизликни аниқлашни Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларига тўлиқ мослаштириб, сўров ўтказиш тартибини такомиллаштириш ва қамровни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш тизимида касалликларни даволаш харажатлари бўйича халқаро ҳисоб механизми жорий этилиши белгиланди. Бусиз тиббий суғуртани амалиётга киритиб бўлмайди.

Вазирлар Маҳкамаси, Давлат статистика қўмитасига таълим, қишлоқ хўжалиги, ташқи савдо, транспорт, қурилиш, экология, туризм ва яна қатор соҳалар статистикасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлат идораларининг статистикани шакллантириш жараёнини аудит қилиш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Жаҳон маълумот базаларида Ўзбекистоннинг тармоқ индикаторлари тўлиқ акс этмагани ачинарли ҳол. Шу муносабат билан, мутасаддиларга меҳнат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим каби соҳалар бўйича халқаро базаларда мамлакатимиз кўрсаткичларини тўкис акс эттириш юзасидан топшириқлар берилди.

*(Давоми 2-бетда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ УЛУШ КИРИТИШ АСОСИДА ҚУРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Республиканинг уй-жой қурилиши соҳасига замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароит яратиш, шунингдек, кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш ҳамда қурилишда улуш киритиш асосида иштирок этувчи шахсларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш учун жисмоний ва юридик шахслар (кейинги ўринларда улушдорлар)нинг маблағларини жалб қилиш фақат **юридик шахс мақомига эга бўлган** ҳамда **Улуш киритиш асосида қуриш учун маблағларни жалб этувчи қурувчиларнинг электрон рўйхати** (кейинги ўринларда – Электрон рўйхат)га киритилган қурувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин;

б) Электрон рўйхат улуш киритиш асосида қуриш учун маблағларни жалб этувчи қурувчилар **ҳисобини олиб бориш** ҳамда улушдорлар **ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш** мақсадида юритилади;

*(Давоми 2-бетда)*

# Зарар кўрган ҳудудларда яна ҳаёт қайнайди

**Бундан роса бир ой илгари 1 май куни эрталаб Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилган эди. Оқибатда сув оқими аҳоли пунктлари, коммуникация тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги майдонларига катта зарар етказди.**



Давлатимиз раҳбари зудлик билан воқеа жойига етиб келди. Ҳукумат комиссияси ташкил этилиб, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилди.

Президентимиз Оқолтин туманида аҳоли билан учрашиб, ушбу табиий офатдан жабрланган ҳар бир инсон алоҳида эътиборга олиниши, ҳамма уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминланишини таъкидлади.

– Бу ҳеч ким кутмаган синов. Биринчи ҳаракатимиз одамларни эҳтиёт жойларга кўчириш бўлди. Энг катта масала – ўлим бўлмаслиги. Оқсоқоллар, маҳалла раислари ва нозирларидан илтимос қиламан: одамларни йиғиб, уйларга, палаткаларга жойлаштириб, озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳаллама-маҳалла саранжом қилиб олишимиз керак. Бунинг учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар қиламиз. Шароит яхши бўлмагунча биронта раҳбар кетмайди. Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди, – деганди ўшанда Давлатимиз раҳбари.





Ушбу фавқулодда вазият оқибатида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 2 570 та уй-ҳовли, 76 та кўп қаватли уй яроқсиз ҳолга келган эди. Шунингдек, 1 781 ҳовли, 52 та кўп қаватли турар жой қисман зарарланган. 70 та ижтимоий объект, 20 минг гектарга яқин экин майдони, 828 километр йўл, электр, газ, ичимлик сув, алоқа тармоқларига талафот етган.



Тезкор чора-тадбирларга Фавқулодда вазиятлар, Сув хўжалиги вазирликлари, маҳаллий ҳокимликлар, қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа хизматлар мутахассислари сафарбар этилди. Сув омбори яқинидаги маҳаллалар аҳолиси хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди. Жумладан, туманларда ташкил этилган махсус штаблар томонидан мактаб, коллеж, корхона ва хонадонларга жойлаштирилди.







– Шундай оғир пайтда ҳаммамиз сизларнинг ёнингиздамиз. Аввало, ҳар бир маҳаллага кириб, ўт ўчириш машиналари ёрдамида сувни қочирамиз. Қурилиш, таъмирлаш ва янги уйлар барпо этиш бўйича халқ билан маслаҳатлашиб иш тутамиз. Ҳаммасини секин-секин жойига қўямиз. Фермерларнинг масаласи ҳам даласига чиққан ҳолда ҳал этилади. Энг муҳими, ўзларингиз соғ-саломат, болаларингиз ёнингизда экан. Кўнгилни тўқ қилинглар. Худога илтижо қиламизки, бизга мададкор бўлсин, охирги кўрганимиз шу бўлсин, – деди Президентимиз сув чекинганидан кейин ўз маҳалласига қайтган одамлар билан мулоқотда.

*(Давоми 3-бетда)*

# СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Яна бир муаммо шундаки, статистик кузатув маълумотларининг ярми қоғоз шаклида тўпланмоқда. Уларни таҳлил қилишда 20 йил аввал жорий этилган дастурий таъминотдан фойдаланилмоқда. Солиқ ва статистика идоралари ўртасида автоматлашган ахборот алмашинувини йўлга қўйиш орқали инфляцияни ҳисоблаш харажатларини кескин қисқартириш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда дастурий таъминотни янгилаш, солиқ, меҳнат, молия соҳаларида статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг интеграциялашган тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда Марказий банк, Молия вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг соҳадаги фаолияти мувофиқлаштирилмайди. Аслида эса, статистик кўрсаткичларнинг 40 фоизи ушбу идоралар томонидан шакллантирилади.

Шу боис бу борадаги қонунни ва 17 йил аввал ташкил этилган Статистика кенгаши фаолиятини такомиллаштириш, халқаро талаблар асосида мустақил статистика тизимини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги фармонида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилиши белгиланган эди. Жорий йил 16 мартда «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари аҳолини рўйхатга олиш статистикани шакллантиришда асосий манба экани, бунга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлади.

Статистика қўмитасида махсус бўлинма ташкил этиб, хорижлик экспертларни жалб қилиш, қўмита ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш институти фаолиятини такомиллаштириб, аҳолини рўйхатга олишда қатнашадиган барча мутахассисларни ўқитиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Сўнгги 5 йилда 318 нафар бакалавр ва 33 нафар магистр тайёрланган бўлиб, статистика идораларида уларнинг 10 фоизи ишламоқда, холос. Тизимдаги ходимларнинг 2 фоизигина статистика бўйича олий маълумотга эга. Шунингдек, 30 йил давомида атиги 1 нафар фан доктори, 11 нафар фан номзоди илмий иш ёқлаган.

Шу боис кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва статистика фанини ривожлантириш, соҳада меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Статистика тизимини ривожлантириш стратегияси тақдимоти ўтказилди. Давлатимиз раҳбари уни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2020 йил 5 февралдаги ПҚ-4586-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б. И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**
Тошкент ш.,
2020 йил 28 май
№ 343

*(Қарор иловалари билан газетамизнинг келгуси сонида танишиш мумкин.)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 27 майдаги ПҚ-4732-сон қарорига
ИЛОВА

# Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида НИЗОМ

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг шу мақсадда жамланган маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом шартнома иштирокчиларида даромад олиш мақсади кўзланган инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ваколатли давлат органи** – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар қурилиш бош бошқармалари;

**улушдор** – қурилиш мажмуасида бир ёки бир нечта қурилиш объектини мулк ҳуқуқи билан олиш мақсадида улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисида шартнома тузган жисмоний ёки юридик шахс;

**улуш киритиш асосида қурилиш** – кўп квартирали уйларни қурувчилар ва улушдорларнинг маблағлари ҳисобидан қуриш, реконструкция қилиш ва қайта ихтисослаштириш;

**улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш тўғрисидаги шартнома** (кейинги ўринларда – шартнома) – улуш киритиш асосида қурилиш бўйича қурувчи ва улушдор ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ҳисобга қўйилган ёзма шаклдаги битим;

**улуш киритиш асосида қурилиш иштирокчилари** - қурувчи, улушдор, қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи) ва тижорат банки;

**электрон платформа** – улуш киритиш асосида қурилиш ҳақидаги маълумотларни юритиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ва ваколатли давлат органи томонидан юритиладиган электрон маълумотлар базаси;

**қурувчи (девелопер)** – Улуш киритиш асосида қуриш учун маблағларни жалб этувчи қурувчиларнинг электрон рўйхатига (кейинги ўринларда – Электрон рўйхат) киритилган, кўп квартирали уйларни қуриш учун ажратилган ер участкасига ва қурилиш ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлган юридик шахс;

**қурилиш мажмуаси** – қурувчи томонидан бир лойиҳа доирасида қурилишга ажратилган ер участкасида, бир манзилда қурилаётган бир ёки бир нечта қурилиш объектлари йиғиндиси;

**қурилиш мажмуасининг қиймати** – қурувчининг қурилишолди харажатлари, жумладан кўп квартирали уйларни қуриш учун ер участкасини олиш (аукцион савдолари ёки хусусий мулкдорларга компенсация тўловини амалга оширган ҳолда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа асосларда), рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда қуриш ва фойдаланишга топшириш босқичларини якунлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган харажатлар йиғиндиси;

**қурилиш объекти** – шартномага асосан улушдорга топшириладиган квартира, енгил автотранспорт воситаси тўхташ жойи ва қурилиш мажмуасидаги бошқа объектлар;

**қурилиш объектининг қиймати** – шартномада кўрсатилган қурилиш объектининг нархи;

**қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи)** – қурувчи билан бош пудрат шартномасини тузган ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида камида уч йиллик тажрибага эга бўлган юридик шахс.

Қурувчи қурилиш-монтаж ишларини ўз кучи билан амалга ошириши мумкин. Бунда, қурувчи мазкур Низом билан қурилиш-пудрат ташкилоти ва қурувчи учун белгиланган талабларга жавоб бериши лозим (қурувчи мазкур талабларга жавоб берадиган қурилиш-пудрат ташкилоти томонидан таъсис этилган ҳолларда унга ушбу Низом билан қурилиш-пудрат ташкилоти учун белгиланган талаблар қўйилмайди).

4. Қурувчи мазкур Низом талабларига мувофиқ улушдорлар билан тузилган шартномалар ҳисобга қўйилганидан сўнг қурилиш объектини қуриш учун улушдорларнинг маблағларини жалб қилишга ҳақли.

5. Қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи) қурувчи билан тузилган бош пудрат шартномасига асосан қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун ишлар (хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шарти билан субпудрат ташкилотларини жалб қилишга ҳақли.

6. Электрон рўйхатни юритиш, шу жумладан қурувчиларни Электрон рўйхатга киритиш ҳамда шартномаларни ҳисобга қўйиш ишлари ваколатли давлат органи томонидан электрон платформа орқали амалга оширилади.

7. Қурувчи томонидан жисмоний ва юридик шахсларни қурилиш мажмуаси, шартнома шартлари, улушлар киритиш тартиби ва бошқа маълумотлар билан таништириш мақсадида сотув офиси ташкил этилади.

Сотув офисида қурилиш мажмуасининг эскиз чизмалари ва кичиклаштирилган макети, шартнома тузиш учун таклиф этилаётган қурилиш объектлари чизмалари, ўрнатилаётган техник ускуналар ва ташқи ҳудуднинг ҳолати билан танишиш имконияти яратилади.

8. Қурувчи ва улушдорнинг ўзаро келишувига кўра қурувчининг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта қилиниши мумкин.

**2-боб. Қурувчиларни Электрон рўйхатга киритиш тартиби**

9. Қурувчи ҳар бир қурилиш мажмуаси бўйича Электрон рўйхатга алоҳида киритилган бўлиши шарт.

10. Қурувчи Электрон рўйхатга кириш учун ваколатли давлат органига электрон платформа орқали қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этади:

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

қурувчи ва қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи) билан тузилган бош пудрат шартномаси нусхаси (агар бош пудратчи жалб қилинадиган бўлса);

*(Давоми 3-бетда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ УЛУШ КИРИТИШ АСОСИДА ҚУРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

в) Электрон рўйхатга киритиш учун қурувчилар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

кўп квартирали уйларни қуриш учун белгиланган тартибда **ажратилган ер участкаси** ва **қурилиш ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар** мавжудлиги;

қурилиш мажмуасига кирадиган кўп квартирали уйлар ва бошқа қурилиш объектлари қийматининг **20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз молиявий ресурслари** ёки мазкур маблағларга ёхуд унинг етишмаётган қисмига кредит ажратиш ҳақида банк кафолат хати мавжудлиги;

қурилиш мажмуаси учун **лойиҳа-смета ҳужжатлари** ва **ижобий экспертиза хулосаси** мавжудлиги («fast-track» усулида амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно);

техник ва муаллифлик назорати ҳамда **давлат назоратини амалга ошириш** бўйича тегишли шартномалар тузилганлиги;

улушдорлар томонидан киритилган маблағларни жалб қилиш учун тижорат банкида алоҳида ҳисобварақ очилганлиги.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

улуш киритиш асосида қурилиш учун маблағларни жалб қилиш қурувчи ва улушдор ўртасида тузилган ва белгиланган тартибда ҳисобга қўйилган шартномага мувофиқ амалга оширилади;

улуш киритиш асосида қурилиш ҳақидаги маълумотларни юритиш, шу жумладан қурувчиларни Электрон рўйхатга киритиш ва шартномаларни ҳисобга қўйиш электрон шаклда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган электрон платформа орқали Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан амалга оширилади;

улушдорларнинг маблағлари қурувчининг ҳар бир қурилиш мажмуаси бўйича алоҳида банк ҳисобварағида жамланади ҳамда фақат қурувчи ва улушдорлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш мақсадлари учун йўналтирилади;

қурувчилар қурилиш-монтаж ишларини ўз кучи билан ёки қурилиш-пудрат ташкилотларини (бош пудратчини) жалб қилган ҳолда амалга ошириши мумкин. Бунда бош пудратчи қурувчи билан тузилган бош пудрат шартномасига асосан қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун ишлар (хизматлар) қийматининг **камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шарти билан** субпудрат ташкилотларини жалб қилиши мумкин;

қурувчилар **улушдорларнинг маблағлари сарфланиши** ҳамда қурилиш объектидаги ишлар ҳақида доимий равишда ўзларининг расмий веб-сайтлари ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида **ахборот бериб борадилар, шунингдек, қурилиш объектини онлайн режимида кузатиш** имкониятини таъминлайдилар.

3. **Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, мазкур Низом талаблари у амалга киритилгунига қадар 2020 йилда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисида хабарнома юборилган қурилиш мажмуаларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг унинг марказий аппаратида мазкур вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 2 та штат бирлигидан иборат **Улуш киритиш асосида қурилиш бозорини ривожлантириш бўлимини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **бир ой муддатда** ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, тижорат банклари томонидан қурувчининг алоҳида ҳисобварағидаги улушдорлар маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш тартибини белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тўловга қобилиятсизлик масалаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда улуш киритиш асосида қурилишни амалга оширувчи қурувчиларни тўловга қобилиятсиз деб топишнинг алоҳида тартиби назарда тутилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

**бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда улуш киритиш асосида қурилиш ҳақидаги маълумотларни юритиш, шу жумладан қурувчиларни Электрон рўйхатга киритиш ва шартномаларни ҳисобга қўйишда қўлланиладиган электрон платформанинг Давлат хизматлари агентлиги ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланишини;

**икки ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуришда хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг улушдор сифатида иштирок этиши тартибини соддалаштириш бўйича таклифлар киритилишини;

**икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини таъминласин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2020 йил 27 май,
№ ПҚ-4732

# Обод манзилга айланаётган масканлар

**Аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини яхшилашда уларни уй-жой билан таъминлаш масаласи муҳим кўрсаткичлардан саналади. Шу йўналишда бугун мамлакатимизнинг қайси ҳудудида бўлманг, барча қулайликларга эга бўлган замонавий уй-жой мажмуалари, кўркам шаҳарчалар бунёд этилаётганига гувоҳ бўласиз.**

Жумладан, Тошкент вилоятининг маъмурий маркази ҳисобланган Нурафшон шаҳри ва унга туташ ҳудудда жойлашган Ўртачирчиқ тумани кўз ўнгимизда ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда ушбу манзиллар улкан қурилиш майдонига айланган. Автомагистраллар ва маҳаллалардаги ички кўчалар кенгайтирилиб, замонавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар барпо этилмоқда. Маъмурий бинолар, тижорат банкларининг филиаллари, боғ ва хиёбонлар, савдо-кўнгилочар масканлар каби ижтимоий аҳамиятга эга объектлар, яна кўплаб биноларда қурилиш-реконструкция ишларининг олиб борилиши эътиборга молик.

Умумий майдони 0,46 минг квадрат километрли Ўртачирчиқ тумани 1926 йилнинг 29 сентябрида ташкил топган бўлиб, бу ерда ҳозирги кунда 65 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 98 та аҳоли пунктлари мавжуд, аҳоли сони эса кўп миллатли бўлиб, улар 203 минг нафарга етган. Ҳудудда қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳалари ривожланиб бораётгани натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи яхшиланиб бормоқда. Кўплаб соҳалар қатори саноат ривожида ҳам юқори кўрсаткичларга гувоҳ бўлиш мумкин.

Маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 404, 7 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу эса 2018 йилдаги кўрсаткичлардан фарқли равишда саноат маҳсулотлари индекси 111,2 фоизни ташкил этганидан дарак беради. Туманда истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилади. Биргина 2019 йилда 239,4 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2018 йилга қараганда 114,3 фоиз ўсишни ташкил қилган. Ўртачирчиқ туманининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш босқичларини кузата туриб, бу ривожланишда кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси тобора ортиб бораётганини кўриш мумкин. Туманда 2019 йилда 328,0 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, унинг умумий ҳажмидан 81,0 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотига тўғри келади.

Туманда кичик тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришга катта эътибор қаратилган. Бугунги кунда бу ерда 2009 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, улардан 1 894 таси фаолият юритади. Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 639 таси савдо тармоғида фаолият юритса, 444 таси саноат, 188 таси қурилиш ҳамда 168 таси бошқа хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган топшириқ ва вазифаларига асосан, ушбу йўналишда бир қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Кўплаб ижтимоий соҳа объектлари давлат манзилли дастурига киритилди. Жумладан, Ўртачирчиқ тумани Тиббиёт бирлашмаси балансида бўлган «Олти ўғил» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Туябўғиз» қишлоқ врачлик пункти манзилли дастурга киритилиб, бугунги кунда ушбу тиббиёт муассасаси 100 қатновли янги поликлиника биноси сифатида қуриб битказилди.

– 1947 йилда қурилган аввалги қишлоқ врачлик пункти жуда эскирган, ҳеч қандай шароити йўқ эди, – дейди «Туябўғиз» оилавий поликлиника бош шифокори Марҳабо Абдуллаева. – Бу эса аҳолига ўз вақтида сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатишга тўсқинлик қиларди. Аввалги эски бино бузилиб, ўрнига икки қаватли барча қулайликларга эга замонавий бино қад ростлади. Ушбу тиббиёт муассасаси ҳудуддаги «Адолат», «Қорақўйли», «Кўтарма», «Олти ўғил» каби маҳалла фуқароларида истиқомат қилувчи 11 696 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Халқимиз, азалдан бунёдкор. Манзилларни обод қилиш, йўл ва кўприкларни барпо этиш орқали халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдек эзгу мақсад унга ҳамиша ҳамроҳ. Шу жиҳатдан олиб қараганда Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ тумани ҳам кун сайин обод бўлиб, улкан қурилишларга юз тутаётганини кўриш мумкин. Бу каби ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари аввало, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга хизмат қилса, қад ростлаётган замонавий тиббиёт масканлари фаолиятининг йўлга қўйилиши эса фуқароларимиз саломатлигини сифатли ва самарали муҳофаза этишга сабаб бўлади. «Нурафшон махсус дизайн қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 3 млрд 9 млн сўмлик маблағ ҳисобига янгидан барпо этилган «Туябўғиз» оилавий поликлиникаси хизматидан бугун халқимиз мамнун.

Аҳолини замонавий лойиҳалар асосида барпо қилинаётган турар жойлар билан таъминлаш масаласи бугун ҳар доимгидан-да муҳим вазифалардан бирига айланган. Айни жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда айтиш лозимки, бу борада ҳам туманда кенг кўламда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида 2019 йилнинг ўзида умумий майдони 94,6 минг квадрат метрдан иборат 682 та уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, уларда 236,7 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилган.

Тумандаги ижро этувчи ҳокимият органлари, бўлим ва ташкилотлари раҳбар ходимларига зарур меҳнат шароитларини яратиш мақсадида «Уйғур» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 2 та 4 қаватли бинода таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ахборот коммуникация технологиялари билан жиҳозланган Ахборот-кутубхона маркази биносида 10 дан ортиқ хоналар ташкил этилиб, улар замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланди. Бу ерда электрон кутубхона фаолияти йўлга қўйилган. Шинам ва ёруғ, замонавий хоналарда барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган бўлиб, ушбу маънавият масканини нафақат ёшларнинг, балки туман аҳолисининг ҳам севимли гўшаларидан бирига айланиши шубҳасиз.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида НИЗОМ

(Давоми. Боши 2-бетда)

ер участкаси ажратиш ҳақидаги ва қурилиш ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар (лойиҳалаштириш топшириғи ва архитектура-режалаштириш топшириғи) нусхалари;

лойиҳа-смета ҳужжатлари ва ижобий экспертиза хулосаси нусхаси («fast-track» усулида амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно);

қурилиш мажмуаси қурилиши бўйича техник ва муаллифлик назоратини ҳамда қурилиш-монтаж ишлари жараёнида давлат назоратини амалга ошириш бўйича тегишли ҳудудий назорат ташкилоти билан тузилган шартномалар нусхалари;

қурувчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

қурувчида қурилиш мажмуаси қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ўз молиявий ресурслари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки мазкур маблағларга ёхуд унинг етишмаётган қисмига кредит ажратиш ҳақида банк кафолат хати. Бунда, қурилиш мажмуасига сарфланган харажатлар суммаси ҳисобга олинади;

улушдорларнинг маблағларини жамлашга мўлжалланган тижорат банкида очилган алоҳида ҳисобварақ ҳақидаги маълумотнома;

қурувчини Электрон рўйхатга киритиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Бунда, электрон платформа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг ахборот тизимига интеграция қилинганидан сўнг мазкур бандда кўрсатилган тегишли ҳужжатлар қурувчилардан талаб этилмайди.

11. Ваколатли давлат органи қурувчи томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларнинг ишончлилигини идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартибида ўрганиш ҳуқуқига эга.

12. Ваколатли давлат органи уч иш куни мобайнида қурувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, уни Электрон рўйхатга киритади.

13. Ваколатли давлат органи ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган маълумот ва ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки улар ҳақиқатга тўғри келмаган ҳоллардагина қурувчини Электрон рўйхатга киритишни рад этади.

Қурувчини Электрон рўйхатга киритиш рад этилган ҳолларда, унга рад этиш сабаблари кўрсатилган жавоб хати икки иш куни мобайнида юборилади. Электрон рўйхатга киритишни рад этиш сабаблари бартараф этилганидан сўнг қурувчи такроран мурожаат қилишга ҳақли. Бунда қўшимча йиғим ундирилмайди.

14. Қурувчини Электрон рўйхатга киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

15. Электрон рўйхат электрон платформада юритилади.

Электрон рўйхатда барча учун очиқ бўлган қурувчининг номи, СТИР, манзили, таъсисчилари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

16. Электрон рўйхатга киритилмаган қурувчилар улуш киритиш асосида қурилишга улушдорларнинг маблағларини жалб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

### 3-боб. Шартномаларни ҳисобга қўйиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш тартиби

17. Қурувчи Электрон рўйхатга киритилгандан сўнг улушдорлар билан шартномаларни тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

18. Шартномада қуйидагилар акс эттирилган бўлиши лозим:

қурилиш мажмуаси ва қурилиш объекти ҳақидаги маълумотлар (манзили, жойлашган жойи, квартира рақами ва бошқалар);

қурилиш объекти майдони ва қиймати;

қурилиш объектини улушдорга топшириш муддати ва ҳолати;

улушдор томонидан киритиладиган сумма миқдори;

ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби;

қурилиш-монтаж ишларининг графиги;

томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги; шартнома бўйича талаблар ҳуқуқларини ўтказиш тартиби; қурилиш объекти эксплуатациясининг кафолат муддати;

низоларни ҳал қилиш тартиби ва тарафлар ўртасида келишилган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.

19. Шартномани ҳисобга қўйиш учун қурувчи ваколатли давлат органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

имзоланган шартнома;

улушдор паспорти нусхаси, улушдор юридик шахс бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

20. Шартномани ҳисобга қўйиш учун ҳужжатлар ваколатли давлат органига электрон платформа орқали юборилади.

21. Ваколатли давлат органи шартномани уч иш куни мобайнида кўриб чиқиб, ҳисобга қўяди.

Шартнома ҳисобга қўйилганлиги ҳақида хабар қурувчининг ваколатли ходими ва улушдорнинг телефон рақамига SMS-хабар орқали юборилади. Шартноманинг ҳар бир саҳифасига якка тартибдаги рақам ва QR-код берилиб, шартнома қурувчи ва улушдорга берилади.

22. Тақдим этилган шартнома ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермаган ва (ёки) ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, ваколатли давлат органи шартномани ҳисобга қўйишни рад этади. Шартномани ҳисобга қўйишни рад этиш сабаблари бартараф этилганидан сўнг қурувчи такроран мурожаат қилишга ҳақли. Бунда қўшимча йиғим ундирилмайди.

23. Шартномани ҳисобга қўйиш учун қурувчидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

24. Шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши керак. Бунда қўшимча йиғим ундирилмайди.

25. Шартнома бекор қилинган тақдирда, қурувчи уч иш куни ичида ваколатли давлат органини электрон платформа орқали хабардор қилиши шарт.

26. Белгиланган тартибда ҳисобга қўйилган шартнома шартлари бўйича улушдор томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги сабабли шартнома бир томонлама бекор қилинганда, шартномадаги қурилиш объекти бўйича тузилган янги шартномани ҳисобга қўйиш учун йиғим ундирилмайди.

27. Қурилиш мажмуаси белгиланган тартибда муаммоли объект деб топилганда ушбу қурилиш мажмуаси бўйича янги шартномалар ҳамда аввал тузилган шартномаларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга қўйиш тўхтатилади.

28. Шартномага улушдорни алмаштириш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Улушдорнинг ўз улушини талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахс фойдасига воз кечишини кўзда тутувчи келишувни имзолаш вақтида улушдор турмуш ўртоғининг нотариал тарзда расмийлаштирилган розилиги тақдим этилиши шарт.

Ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳисобга қўйилмаган шартномалар, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

### 4-боб. Ваколатли давлат органи томонидан қурилиш объектлари тўғрисида маълумотларни юритиш

29. Ваколатли давлат органи электрон платформада қурилиш объектлари тўғрисида барча учун очиқ бўлган қуйидаги маълумотларни юритади:

қурилиш объекти жойлашган қурилиш мажмуаси тўғрисидаги маълумот (кўп квартирали уйлар ва квартиралар сони, муҳандислик, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектлари, шунингдек, лойиҳага оид ёрдамчи объектлар тўғрисидаги маълумотлар);

ҳар бир қурилиш объекти бўйича тузилган шартнома ҳақидаги маълумот (тартиб рақами, тузилган санаси, киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, унинг бекор қилинганлиги);

қурувчи ва қурилиш-пудрат ташкилоти (бош пудратчи) ҳақидаги маълумотлар;

муаммоли қурилиш объектлари ва инсофсиз қурувчилар ҳақидаги маълумотлар.

30. Ваколатли давлат органи маълумотларнинг доимий равишда янгиланиши ва барча учун очиқ бўлишини таъминлайди.

### 5-боб. Улушдорларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби

31. Қурувчи улушдорларнинг маблағларини жамлаш учун хизмат кўрсатувчи банкида ҳар бир қурилиш мажмуаси бўйича алоҳида ҳисобварақ очади.

32. Қурувчининг алоҳида ҳисобварағидаги маблағлардан фақат қурувчи ва улушдорлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш мақсадлари учун фойдаланилиши мумкин.

33. Норезидент жисмоний шахсларнинг хориждаги ҳисобварақларидан келиб тушган чет эл валютаси ички валюта бозорида сотилган ҳолда қурувчининг миллий валютадаги алоҳида ҳисобварағига ўтказилиши ёки тузилган импорт шартномалари бўйича тўловларни амалга ошириш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

34. Улушдорларнинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун қурувчи раҳбари ва бош ҳисобчиси шахсан жавобгар ҳисобланади.

35. Қурувчининг алоҳида ҳисобварағидаги маблағларни қуйидаги мақсадларга йўналтириш тақиқланади:

қурилиш мажмуасида бошланғич қурилиш ишларини амалга оширишга жалб қилинган маблағлардан ташқари бошқа қарзларни қоплаш;

қарз (молиявий ёрдам) ажратиш;

хўжалик юритувчи субъектлар устав фондини шакллантириш, акциялар, улушлар ва облигациялар сотиб олиш;

қурилиш мажмуасига тегишли бўлмаган товар (иш ва хизмат)ларни сотиб олиш;

қурилиш мажмуаси фойдаланишга тўлиқ топширилгунга қадар таъсисчиларга (акциядорларга) дивиденд тўлаш.

36. Қурилиш объекти фойдаланишга тўлиқ топширилгандан сўнг, улушдорларнинг маблағлари қурувчининг асосий ҳисобварағига ўтказилади ва қурувчи томонидан мустақил тасарруф этилади.

### 6-боб. Қурилиш объектларини қуриш устидан назорат

37. Қурилиш объектларини қуриш устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Улушдор:

қурилиш объектидаги қурилиш ишлари ҳолати билан танишишга;

шартнома шартлари бажарилиши бўйича қурувчидан ёзма шаклда маълумот талаб қилишга;

қурилиш объектларини қуриш устидан техник, шунингдек, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахсларни ёки мутахассисларни жалб қилиш орқали амалга оширишга ҳақли.

39. Қурилиш соҳасида назоратни амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи қурилиш объектларида шартнома билан тасдиқланган қурилиш-монтаж ишларининг графигига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб боради.

40. Қурувчилар улушдорларнинг маблағлари сарфланиши ҳамда қурилиш объектларидаги ишлар ҳақида доимий равишда ўзларининг расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ахборот бериб боради, шунингдек, қурилиш объектларини онлайн режимда кузатиш имкониятини таъминлайди.

41. Қуйидаги ҳолатларда қурилиш мажмуаси ваколатли давлат органи томонидан муаммоли объектлар тоифасига киритилади:

қурилиш ва шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг қўпол равишда бузилиши;

қурилиш объектларини фойдаланишга топшириш муддати асоссиз равишда олти ойдан ортиқ муддатга кечикиши;

қурувчи томонидан улушдорларга қурилиш объектларини топшириш мажбурияти бузилиши ёки уни банкрот деб топилиши.

42. Муаммоли объект бўйича материаллар ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

### 7-боб. Қурилиш объектини фойдаланишга топшириш тартиби

43. Қурилиш объекти шартномада белгиланган қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишлари якунлангандан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга топширилади.

44. Қурилиш объекти улушдорга топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширилади.

45. Қурилиш объектига нисбатан улушдорнинг мулк ҳуқуқи шартнома, қурувчи ва улушдор ўртасида имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда қурилиш объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилади.

46. Улушдорнинг мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

### 8-боб. Якуний қоидалар

47. Шартномалардан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

48. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

# Зарар кўрган ҳудудларда яна ҳаёт қайнайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сардоба сув омбори тўғонининг очилиши кутилмаган офат, эл бошига тушган яна бир синов бўлди. Халқимиз ҳам бу воқеага бефарқ бўлмади. Давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимиз бирлашиб, саросимага тушмай, сабр-матонат ва меҳнат билан тез фурсатларда унинг оқибатларини бартараф этишга киришди. Талофатдан зарар кўрган сирдарёликларга биринчи даражали зарур шароитлар яратилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, вазирлик ва уюшмалар, юртдошларимиз томонидан Сирдарё аҳолисига ёрдам бериш учун ҳомийлик маблағлари ўтказилди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва рўзғор буюмлари юборилди.

Ўша кунлари бутун мамлакатимиз эътибори Сардоба туманидаги табиий офат асоратларини бартараф этишга, сув тошқинидан азият чеккан юртдошларимизга моддий ёрдам кўрсатишга, маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилди. Ана шу паллаларда юртимиз аҳлининг баҳамжиҳатлиги, бировнинг дардини ўз дарди дея билиши намоён бўлди.

Воқеадан 15 кун ўтиб Президентимиз яна сув тошқинидан зарар кўрган туманларда бўлиб, ҳудудда олиб борилаётган ишларни кўздан кечирди. Таъмирланаётган хонадонларни кириб кўрди, одамлар билан суҳбатлашди.

Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида уй-жойлари бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган аҳоли учун 3 та массивда жами 2 640 квартирали 66 та 5 қаватли уй қурилиши режалаштирилди. Сардоба туманидаги «Дўстлик» маҳалласида 1 480 хонадондан иборат 37 та уй барпо этиладиган ҳудудда Давлатимиз раҳбари мазкур турар жойларнинг пойдеворига тамал тоши қўйди.

– Таъмирланадиган уйлар ҳам, янги қуриладиганлари ҳам давлат томонидан бепул қуриб-таъмирлаб берилади. Янги кўп қаватли уйлар сентябрь ойида қуриб битказилади. Шу билан бирга, уйлари зарарланган одамларнинг илгариги ҳовлилари ҳам ўзларида қолади, – деди Президентимиз аҳоли билан учрашув чоғида.

Сув тошқинидан зарар кўрган 4,5 мингдан зиёд хонадон эгаларининг ҳар бирига Ўзбекистон Республикаси Президентидан 40 миллион сўмлик моддий ёрдам, шунингдек, телевизор, музлаткич, кир ювиш машинаси, мини печ, электр чойнак ва дазмол каби маиший техника воситаларидан иборат совғалар топширилди.

Мана бугун ўшандан роппа-роса бир ой ўтди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Сардоба сув омбори дамбасида юзага келган тошқин оқибатлари ва уларни бартараф этиш мақсадида ҳудудда 9 та ишчи гуруҳлари ташкил этилган ва мана шу ишчи гуруҳлари томонидан жойларга чиққан ҳолда ҳар бир хонадон кўздан кечирилиб, уларнинг ҳозирги ҳолати бўйича далолатномалар шакллантирилди. Ишчи гуруҳлар томонидан дастлабки маълумотлар қайтадан ўрганилди.



Ўтказилган ўрганишлар жараёнида бугунги кун ҳолатига кўра, талофат кўрган хонадонлар сони жами 4 435 тани ташкил этиб, шундан, 2 390 таси яроқсиз ва 2 045 таси таъмирталаб ҳолатда экани аниқланган.

Бугунги кунда зарар кўрган уйларга 561 та пудратчилар танланган ва таъмирлаш ишлари тинимсиз равишда олиб бориляпти. Бу ишларга пудратчи корхоналар томонидан 14 мингдан зиёд малакали ишчилар ҳамда 834 та махсус транспорт воситалари жалб этилган.

Зарар кўрган аҳолига ёрдамга чоғланган жиззахлик қурувчилар Мирзаобод туманидаги «Ҳақиқат» маҳалла фуқаролар йиғинида 112 та уйни мукаммал таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда. Жиззах вилояти кўмак штабига ташриф буюрганимизда вилоят ҳокими Эргаш Салиев ва вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Акрам Раҳмонқуловнинг қурувчилар билан амалга оширилаётган ишлар муҳокамаси устидан чиқдик.

– Сирдарё халқига келган талофат бизларни бефарқ қолдирмади, – деди Акрам Раҳмонқулов. – Ҳаммадан кўра биз бу вилоятга яқин қўшнимиз. Халқимизда «Қўшнинг тинч, сен тинч» деган нақл бор. Шу сабабли ҳам биз қўлимиздан келганча ён қўшнимизга ёрдам беришга шайландик.

Ҳақиқатан ҳам талофатнинг дастлабки дақиқалариданоқ Жиззах вилояти аҳли сирдарёликларга ёрдам қўлини чўзди. Талофатдан азият чеккан Сирдарё аҳлига жиззахликлар ўз уйларидан жой беришди. Зарар кўрган уйларни таъмирлашга киришди.

– Бизга бириктирилган уйларнинг 36 таси 1 қаватли 4 хонадан, 66 таси 3 хонали ва 10 таси 2 ақатли 4 хонадан иборат, – дейди биз билан суҳбатда Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси мутахассиси, кўмак штаби котиби Шерзод Тўйчиев. – Қурилиш-таъмирлаш ишларига вилоятимизнинг 18 та қурилиш-пудрат ташкилотларидан 700 га яқин ишчи-хизматчилар, 46 та техника жалб этилган. Кўриб турганингиздек, таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Ҳудудларни тозалашда Мудофаа вазирлиги бизга яқиндан ёрдам беряпти. Бундан ташқари, «Янгиовул» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Балиқчи» аҳоли пунктида яна 15 та уйларни тиклаш ишлари бизга топширилган. У ердаги ишларга 2 та қурилиш-пудрат ташкилоти сафарбар этилган. Мазкур ҳудуддаги сув сатҳи ҳали тўлиқ камаймагани сабабли у ердаги ишларни бошлаш бироз кечикмоқда. Шундай бўлсада, барча уйларни 1 июлгача таъмирдан чиқаришга бел боғлаганмиз.

Дарҳақиқат, ҳудудни айлан эканмиз, биронта ҳам қурувчининг бекор турганини кўрмайсиз. Ҳамма ўзига берилган топшириқни бажариш билан банд. Бунда албатта, ишчи-хизматчиларнинг озиқ-овқат билан тўлиқ таъминланганини эътибордан чиқариш керак эмас. Бунда Жиззах вилояти тадбиркорларининг ҳомийлик ёрдамларини айтиб ўтиш керак. Ишларнинг самарали давом эттирилишида қурилиш материаллари захираси яратилгани ҳам қўл келмоқда.



Таъмирланаётган уйлар яқинидаги шийпонда ишларни кузатиб ўтирган маҳаллий аҳолини ҳам учратиш мумкин.

– Биз бу ерда оила аъзоларимиз билан истиқомат қилардик, – дейди биз билан суҳбатда Рахмон Худоёров. – Бу уйларга 1987 йилда кўчиб келгандик. Ҳозирда уйларимизнинг таъмирланишини деёлмайман, балки деярли қайтадан қурилаётганини гувоҳи бўлиб турибман. Бу ишларнинг барчасини тепасида турган Президентимизга, қурувчиларга миннатдорчилик билдираман.

Рахмон аканинг томорқасида талофатдан омон қолган 8 туп анори қийғос гуллаган. Унинг айтишича, бу йил ҳам анорлардан мўл ҳосил олиш ниятида экан.

– Корхонамизга ҳududдаги 5 та коттежни мукаммал таъмирлаш ишлари юклатилган, – дейди «Аква квант» МЧЖ техник назоратчиси Ғайрат Раҳматов. – Бу ишларга ташкилотимизнинг 37 та ишчиси жалб этилган. Бугунги кунда уйларнинг том ишлари 100 фоиз бажарилди, дераза ромлари ўрнатилди. Ҳозирда ички ва ташқи пардозлаш ишларини бошлаганмиз.

Мирзоообод тумани ҳудудида эса 652 та уй таъмирлашга тушган бўлиб, пудрат ташкилотлари томонидан уйларни чиқиндилардан тозалаш, поллар, деворлар, эшик ва деразаларнинг демонтаж ишлари олиб борилмоқда. Уйларнинг том қисмлари ҳам қайтадан мустаҳкамланяпти, эски ёғоч қисми бутунлай янгисида алмаштириляпти. Биноларнинг барчасини замонавий турдаги қурилиш материаллари билан таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

